

IMPORTANT FEATURES OF FAZLI NAMANGANI TAZKIRASI AND THE ISSUE OF ZULLISANAIN

Ahmadjonov Parvizjon Mahamadzoda,

Samarkand State University of Philology

Faculty of Literary Studies (Tajik Literature)

2nd year master's degree in specialty

Annotation.

The article gives a brief account of the life and work of Fazli Namangani, mainly the features of the description of his famous work "Collection of Poets" and the issue of Zullisonain. The Tazkirah provides information on which poets are included, what literary environment they provide the most information about, and the reasons why poets write in this environment in two languages.

Keywords and phrases:

Tazkira, "Collection of poets", Fazli Namangani, the issue of Zullisonain, literary environment, palace poets.

Фазлий Намангоний тазкираси икки тилли адабиётни мужассамлаштира олган ва зуллисонайн шоирлар тӯғрисида жуда кўп малумотларни ўз ичига олган тазкирадир. Фазлий Намангоний – тожик шоирларидан бўлиб, туғилган йили ва санаси номалум. У XIX – асрда яшаб ижод қилган. Фазлий Намангоний Наманганда мавқега эга эди. Кейинчалик у Куқонга келиб, Амир саройида ижодий ишини давом эттиради ва шоирлар шоҳи даражасига етади. Мирсиддиқхон Ҳашмат Фазлий Намангонийнинг шоирлик санъати ва шеъриятининг таъсирини юқори баҳолаб, Хижлати Бухорой билан бўлиб ўтган мунозара ва муоширасини эслаб ўтган:

“Фазлий Хижлатга шундай дейди:

Он маҳ, ки парда аз руҳи зебо барафканад,
Шояд, ки як назар тарафи мо барафканад.

(Мазмуни: У гўзал ой юзидан пардани кўтарса, эҳтимол биз томонга бир назар ташлайди).

Бунга жавобан Хижлат шундай дейди:

Аз дил касе, ки нақши таманно барафканад,
Кай чашми хеш ҷониби зебо барафканад” [6, 39-б].

(Мазмуни: Кўриш орзуйинг чин дилдан бўлмаса, қачон ўз кўзинг гўзал томон назар ташлайди).

Фазлий ҳаётининг сўнгги йилларини Наманганда ўтказади. Фазлий Намангонийнинг “Шоҳнома” номли таърихий асари бор ва унда Амир Умархоннинг саёҳатлари, ютуқлари ва ўз давридаги баъзи воқеалар шеърий тарзда тасвирланган. Фазлий Намангоний XIX асрнинг биринчи ярмидаги сарой адабиётининг вакили сифатида танилган. Шеърларининг тўлиқ девони мавжуд емас. “Мажмуаи шоирон” Фазлий Намангонийнинг Куқон адабий муҳити ва бошқа адабий муҳитлар тӯғрисида малумот берувчи энг муҳим асари ҳисобланади.

Қуқон адабий доирасида аксарият шоирлар икки тилда – тожик ва ўзбек тилларида ижод қилганлар. Бу ернинг адабий доираси Олимхон даврида (1799-1809) ташкил топган ва Амир Умархон даврида (1809-1822) катта шуҳрат қозонган. 1821 йилда Амир Умархоннинг буйруғи билан Абдулкарим Фазлий Намангоний томонидан яқунланган “Мажмуаи шоирон” – даги малумотларга кўра, ушбу адабий даврада 75 дан ортиқ шоирлар тўпланган.

Қуқоннинг адабий ҳавзасида энг фаъол шоирлар зуллисонайн шоирлар эди. Амир Умархоннинг ўзи шоир бўлган. У тожик ва ўзбек тилларида девонлар тузган. Шуни таъкидлаш керакки, XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Амир Умархон XV асрда яшаб

ижод қилган буюк аждодларимиз Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий бошчилик қилган Ҳирот адабий муҳитидан ўрнак олиб, Қуқон адабий муҳитини ташкил этди. Маълумки, Ҳирот адабий ҳавзасида нафақат форсий шеърият ривожланди, балки туркий тил шеъриятининг ривожи ҳам содир бўлган эди.

Амир Умархон саройининг таниқли шоири Фазлий Намангоний “Мажмуаи шоирон” тазкирасида тахминан 88 нафар зуллисонайн шоирлар ҳақида малумот берган ва уларнинг ижодидан намуналар келтирган [5, 87-б].

Шу ўринда, ҳозирги тожик адабиёти асосчиси Садриддин Айнийнинг “Намунаи адабиёти точик” асарида Фазлий Намангоний ҳақида ёзган сўзларини келтириш асослидир: “Фазлий тазкиратушшуарое ба зикри шуарои дарбори Умархон таълиф намудаву дар он китоб ашъори туркию форсии эшонро дарч кардааст”[1, 298-б]. (Таржумаси: Фазлий Умархон саройи шоирлари ҳақида тазкира тузиб, китобга уларнинг форсий ва туркий шеърларини киритган).

Қуқон адабий ҳавзасида икки тилда - тожик ва ўзбек тилларида адабиёт ривожининг сабабларидан бири, аввало, Амир Умархоннинг ўзбек эканлигидадир. У тожик тилида ижод қилиш билан бир қаторда, она тили ўзбек тили бўлганлиги сабабли шу тилда шеърлар ёзиши ҳам машқ қилган. Шунинг учун зуллисонайн шоирларининг аксарияти Амирнинг хурматига сазовор бўлиш учун туркий шеърлар яратдилар. Иккинчидан, шоирларнинг ўзбек шеъриятига қизиқишини акс эттирувчи яна бир табиий омил - бу Қуқон худудининг табиатидир. Маълумки, ушбу худудда тожик ва ўзбек халқлари яшаган. Бу хусусиятлар тожик ва ўзбек шеъриятини ва “икки тилли адабиёт” деб номланган асарларни яратишда жуда самарали бўлган. Учинчидан, шоирларнинг икки тилда ижод қилиши шоирлик камолотининг белгиси ҳисобланар эди. Зуллисонайн бўлган шоирлар Амир Умархон саройида алоҳида хурматга сазовор эдилар. Тожик адабиётшуноси Носиржон Маъсумий ҳақли равишда таъкидлайди: “Ҳамаи ин доираи адабӣ (доираи адабии Хўқанд – П.А.) зуллисонайн буданд ва дар ин ҷо адабиёти точику ўзбек баробар инкишоф меёфт. Аз ин рӯ, адибони ин доираи адабӣ ҳамчун намояндагони адабиёти ду халқи дўсту бародар – тоҷикон ва ўзбекон ба ҳисоб гирифта мешаванд”[3, 97-б]. (Таржумаси: Бу адабий доираларнинг барчаси (П.А. – Қуқон адабий муҳити) Зуллисонайн эди ва бу ерда тожик ва ўзбек адабиёти тенг ривожланди. Шунинг учун ушбу адабий давра адиллари икки дўст ва биродар халқлар – тожиклар ва ўзбеклар адабиётининг вакиллари ҳисобланади).

“Мажмуаи шоирон” тазкирасининг тузилиши анъанавий мақтов билан бошланади, сўнгра ушбу давр шоирларини қисқача тавсифловчи шеърий муқаддима келтирилган. Ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири Ботирхон Валихўжаев Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкирасига киритилган шоирларнинг турли хил ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари эканлигини, улар орасида амир ва амирзода, вазир ва сарой амалдорлари, қози ва шаҳар ҳокими, мадраса мударрислари, мунший, сипоҳий ва бошқаларни учратиш мумкинлигини таъкидлайди[2, 180-б].

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, Фазлийнинг тазкирасида тилга олинган шоирларнинг ҳаммаси ҳам ҳақиқий касбий шоирлар эмас, балки уларнинг аксарияти шеъриятни ўзларига қўшимча бир ҳавас деб биладиган кишилардир. Шунинг учун тазкирада исмлари ва асарлари тилга олинган шоирларнинг ҳаммаси ҳам тожик ва ўзбек адабиёти таърихида муносиб из қолдира олмаган.

Фазлий Намангоний тазкирасининг яна бир хусусияти шундан иборатки, Фазлий шоирлар билан бир қаторда шоиралар, жумладан Маҳзуна ва Увайсий ҳақида ҳам маълумотлар бериб, уларнинг асарларидан намуналар келтирган.

Тазкира тожик ва ўзбек адабиётида қўлланилган адабий шаклларда (ғазал, қасида, маснавий, тарих, мухаммас, мусамман, мустазод) ёзилган асарларни ўз ичига олади.

Шунингдек, ушбу малумотлардан кўриниб турибдики, Қуқон адабий дойрасида икки тилли адабиётнинг ривожланиши, аввало Амир Умархон фаолиятига боғлиқ.

Ўзбекистонда 2018 йилда Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси биринчи бўлиб кирилл ёзувида “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, давлат

нашриёти" нашриётида чол етилди ва мазкур китобда тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний "Фазлий Намангоний ва унинг "Мажмуаи шоирон" китоби ҳақида" – мавзуси остида қуйидаги фикрини баён қиласи: "Тазкира икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми фақат форсча қасидаларни ўз ичига олади. Иккинчи қисми эса шоирларнинг форсча ва ўзбекча ғазаллари, муҳаммаслари, мусаддаслари ва руబойларидан иборат эди. Биз иккинчи қисмидаги ўзбекча ғазалларини танлаб олдик. Бироқ бу ғазалларнинг ҳарбирига ғазални ёзган шоирлар ҳақида форсча шеърий маълумотлари келтирилган бўлиб, уларнинг ўзбек тилга насрый таржимасини илова қиласи. Тазкирани тўлиқ таржима қилиш учун тил биладиган ва арабча матнни ўқий оладиган шоирлар гуруҳи керак булади" [4, 13-6].

Кўплаб замондошлари ва ҳозирги тадқиқотчилар назарига тушган истеъоддли шоир Фазлий Намангонийнинг тазкираси хусусиятлари ва зуллисонайлик масаласи ҳақида сўз юритиб, қуйидаги хуносаларга келиш мақсадга мувофиқдир:

Фазлий Намангонийнинг XIX – аср адабиётидаги муваффақияти тазкиранавислик анъанасини давом эттиргани ва унга шоирларни турли ижтимоий гуруҳнинг вакиллари бўлишига қарамасдан моҳирлик билан жойлаштира олганидадир.

Фазлий Намангонийнинг "Мажмуаи шоирон" тазкирасини тузилиш тартибига эътибор берадиган бўлсак, тазкиранинг кўпроқ XIX – асрда Қуқонда тўпланган адабий муҳитнинг маҳсули сифатида майдонга келганлигининг гувоҳи бўламиз.

Фазлий тазкираси орқали ўз даври адабиётини бойитиш билан бир қаторда, асарда зуллисонайн шоирларни ҳам зикр этганлиги учун бир тарафдан Ўрта Осиё халқлари дўстлигини мустаҳкамлашга катта хизмат қиласи.

Кўринадики, XIX – асрда кўплаб тазкиралар тузилган бўлсада, аксарияти тожик ва ўзбек адабиёти таърихини ўрганиш ҳамда ёритиш ишига муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

Адабиётлар:

1. Айнӣ, Садриддин. Намунаи адабиёти тоҷик. – Душанбе: "Адиб", 2010.
2. Ботир Валихўжаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1993.
3. Маъсумӣ, Носирҷон. Асарҳои мунтаҳаб. - Ҷ. 2. / Носирҷон Маъсумӣ. - Душанбе, 1980.
4. Намангоний, Абдулкарим Фазлий. Мажмуаи шоирон [Матн] / Масъул муҳ. Б. Абдуҳалимов; Илмий муҳ. О. Қориев.-Тошкент: "Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси "Фан" нашриёти давлат корхонаси", 2018.
5. Собрание Восточных рукописей. Академия Наук Республики Узбекистан. -Т.1. – Ташкент, 1952.
6. Ҳашмат, Мирсиддиқон. Тазкират-уш-шуаро. Ганцинаи дастнависҳои шарқии АФ Ҷумҳурии Ўзбекистон ба номи Абӯрайҳони Берунӣ. – Тошканд. – Дастхати № 61.